

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САИТҚОСИМОВ АКБАР ИСАХОНОВИЧ

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА ИЖТИМОЙ
СОҲАНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ
ҚОНУНИЯТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации (DSc) доктора наук

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Саитқосимов Акбар Исахонович

Фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий
соҳани инновацион ривожлантириш қонуниятлари3

Саитқасимов Акбар Исаханович

Закономерности инновационного развития социальной
сферы в построении гражданского общества29

Saitkasimov Akbar Isaxanovich

Laws of innovative development of the social
sphere in the construction of civil society53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....58

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САИТҚОСИМОВ АКБАР ИСАХОНОВИЧ

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА ИЖТИМОЙ
СОҲАНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ
ҚОНУНИЯТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/Fal41 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Яхшиликков Жўрабой Яхшиликлович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Чориев Санжар Чориевич**
фалсафа фанлари доктори, профессор
Норқулов Дўстмурод Тошпўлатович
фалсафа фанлари доктори, профессор
Алиев Бекдавлат Алиевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тураев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

Қ.Н.Назаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида модернизация ва инновацион ривожланиш тенденциялари авж олмоқда. XXI асда инновацион жараёнлар ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида майдонга келди. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви, рақобатнинг кучайиши шароитида инновациялар оқими ва кўлами тобора кенгайиб, жамият ва инсон манфаатлари ҳамда эҳтиёжларининг таъминланишига салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Халқаро амалиётда ижтимоий ҳаёт соҳаларини инновацион асосда ривожлантириш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланиб, бу жараён уларнинг инновацион салоҳияти ва қобилияти даражаси билан чамбарчас боғлиқлиги маълум бўлмоқда. Бу мезон замонавий илмий-техник ва технологик янгиликлар асосида инсон капиталининг дунё цивилизациясидаги ўрни жадал юксалиб бораётганлиги билан ҳам характерланади.

Жаҳон фалсафий тадқиқотлар тизимида ижтимоий соҳани инновацион асосда такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари, шунингдек, уни ривожлантиришнинг фалсафий концепциялари ва унинг трансформациялашиб бориш жараёнлари ҳамда инновационлашиш тенденциялари юзасидан илмий изланишлар олиб бориш долзарб масала саналади. Хусусан, фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш қонуниятлари ва барқарор ривожланишига таъсир қилувчи инновацион технологияларни тадқиқ қилиш масаласи асосий илмий тадқиқот мавзусига айланган. Чунки, “Фуқароларнинг фаровонлиги ҳар қандай давлатда ўша жамиятдаги инновацион ривожланишга бевосита боғлиқдир”-деб, ёзади Н.И.Шиндина.¹ Зеро, ривожланган давлатларда ички миллий маҳсулотнинг 90 фоизи янги билимлар ва инновацион технологиялар улушига тўғри келади. Айнан бу ҳолат, барча соҳаларда илмий-технологик янгиликларни узлуксиз жорий этаётган, истиқболли тараққиёт дастурларига эга мамлакатларнинг ўз барқарор тараққиёт стратегиясини белгилашда ва инсон фаровонлигини ошириш устуворлигини таъминлашда инновацион ривожлантириш қонуниятларини янада такомиллаштириб бориш заруриятини туғдиради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар инсон фаровонлиги устуворлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида инновациялар кенг тадбиқ қилинмоқда. Жамият ҳаётини модернизация қилиш, янгиликларни амалиётда қўллаш, ижтимоий ҳаётда муҳим ислоҳотларни тизимли амалга оширишнинг истиқболли дастурлари ишлаб чиқилмоқда. “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб

¹ Шиндина Н.И. Особенности инновационного развития в современном обществе: социологический аспект //Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2017. - № 4 (апрель). – 03 пл. URL: <http://e-concept.ru//2017//170088.htm>. ART 170088.

бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”.¹ Шу нуқтаи назардан, ижтимоий ҳаётда янги инновацион воқеликнинг жамият томонидан бошқариладиган, уни прогрессив ривожланиш жараёнига ўтказиш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда ва ижтимоий соҳа сифат кўрсаткичларини оширишда инновацион ривожлантириш қонуниятларини илмий, хусусан ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этиш объектив заруриятдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3682-сон қарори ҳамда мавзуга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган вазифаларнинг амалий рўёбини таъминлашда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий соҳани тадқиқ этиш ва уни инновацион ривожлантириш механизм ва қонуниятларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Oxford Institute of Social Policy (Англия), International Institute of Social Studies (Нидерландия), Institute for Social Innovation (Испания), Innovation Institute of America (АҚШ), The Centre for Social Innovation & Impact Investing (Канада), Formosa Social Innovation Development Institute (Тайвань), China Institute for Innovation and Development Strategy (Хитой), Институт Инновационного развития (Россия), Ўзбекистон Миллий университети ва Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш қонуниятларини такомиллаштириш бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ижтимоий сиёсат, демография, иқтисодий ва сиёсий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. www.uza.uz.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.spi.ox.ac.uk, <https://www.iss.nl>, <https://www.esade.edu>, innovationamerica.com, <https://www.sauder.ubc.ca>, <https://www.socialenterprise.tw>, www.ciids.cn, <https://neorabote.net>, <https://www.nuu.uz>, <https://mininnovation.uz>.

тизимлар ҳамда муносабатлар таҳлили ва социологияси бўйича изланишлар олиб борилган (Oxford Institute of Social Policy, Англия); давлатларда ижтимоий-сиёсий бошқарув тизимлари, ижтимоий инновациялар, иқтисодий ривожланиш, конун устуворлиги ва ижтимоий адолат тамойиллари асосланган (International Institute of Social Studies, Нидерландия); инновацион ривожланишнинг инсон ҳаёти ҳамда ижтимоий муҳитга таъсири, ижтимоий муаммолар ечими учун инновацион моделлар, ижтимоий новацияларни кучайтириш асослари такомиллаштирилган (Institute for Social Innovation, Испания); ижтимоий инновацион ишбилармонлик, корпоратив ижтимоий жавобгарлик ва барқарор иқтисодий амалиётда инновацион билим ва тажрибаларни тарғиб қилиш йўллари аниқланган (Innovation Institute of America, АҚШ); мавжуд ижтимоий, маданий, иқтисодий, сиёсий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берадиган инновацион ташаббуслар ва янгича ёндашувлар, ижтимоий соҳада стратегик ривожланиш назарияси ва амалиёти ишлаб чиқилган (The Centre for Social Innovation & Impact Investing, Канада); глобал инновацион тенденциялар, ижтимоий ташаббуслар ва инсон капиталини юксалтириш мезонлари асосланган (Formosa Social Innovation Development Institute, Тайвань); инновацион ривожланишнинг энг илғор усуллари тадқиқ қилиш ва истиқболни белгилаш, илмий ва технологик инновациялар, иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётга эришиш йўллари асосланган (China Institute for Innovation and Development Strategy, Хитой); давлат ва жамиятнинг муҳим соҳаларига инновацион технологияларни жорий этиш зарурлиги асосланган (Институт Инновационного развития, Россия); фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш хусусиятлари аниқланган (Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон); инновацион асосдаги интеллектуал муҳитни шакллантириш, олимлар ва мутахассисларни замонавий инновацион мавзуларга жалб этиш йўллари асосланган (Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази, Ўзбекистон).

Дунёда ижтимоий соҳани ривожлантириш, уни инновацион йўллар билан такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жамият барқарор ривожини таъминлашда инновацияларнинг ўрнини кучайтириш; аҳолининг ижтимоий муаммоларини инновацион йўллар билан ҳал этишга доир концепциялар ва дастурлар ишлаб чиқиш; аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий хизматлар кўрсатишда жаҳон инновацион тажрибасини кенг ёйиш; инновацион жараёнларда инсон, фан ва таълим омилини мустаҳкамлаш; ижтимоий соҳада инновацион технологияларни қўллаш ва инновацион иқтисодга асосланган давлат бошқарув усуллари ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фуқаролик жамиятининг баъзи унсурлари, адолатли жамият барпо этиш ҳақидаги қарашлар дастлаб юнон файласуфлари Платон, Аристотель ва қадимги Рим мутафаккири Цицерон тадқиқотларида акс этган эди.

Ижтимоий муносабатлар, ижтимоий адолат ва жамиятда инсон фаровонлиги борасидаги фикрлар ўрта асрлар Марказий Осиё мутафаккирлари ва сиёсат арбоблари Форобий, Ибн Сино, Низомулмулк, Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобурларнинг қарашларида акс этган.

Ғарбда фуқаролик жамияти назариясини ривожлантиришга ҳисса қўшган олимлар ичида инглиз мутафаккирлари Томас Гоббс, Жон Локк, немис олимлари Иммануэл Кант ва Георг Гегель кабилар алоҳида ажралиб туради.

Ижтимоий соҳани ўрганиш ва унинг ривожланиш қонуниятларини илмий тадқиқ этишда рус олимларидан И.Албегова, Ф.Албегов, С.Шавель, Ж.Тошенко, В.Ковалевларнинг тадқиқотларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Т.Заславская ва Г.Осадчаялар ижтимоий соҳани ижтимоий сиёсат ва социологик ёндошувлар орқали ўрганганлар.

Ижтимоий ривожланишда инновация муаммоси хорижий олимларнинг бир қанча ишларида тадқиқ этилган. Уларнинг вакиллари ичида Ж.Шумпетер, Ф.Малерба, М.Крокко, Р.Делбрж, Ж.Бессант, Ж.Залтмен, П.Дракер, Б.Санто, К.Фримен, Л.Пьерре, Р.Гремингер кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Шунингдек, хорижий олимлар ичида Р.Нелсон¹ ва А.Жонсон²лар инновацияларни тизим сифатида қараб чиқишган.

Ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришнинг турли йўналишлари борасида М.Багомедов, А.Мусаева, И.Водяненко, Л.Галактионова, Н.Зарубина, Н.Эмиров, И.Краснопольская, И.Марсиянова, Е.Луговая, И.Гарафиев каби рус олимлари тадқиқот олиб борганлар. Шунингдек, Н.Лапин³, Ю.Карпова⁴ каби олимлар инновацияларнинг назарияси ва амалиёти, уни жамият модернизациясидаги аҳамиятини таҳлил қилганлар.

Ижтимоий соҳа барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан инновацион ривожлантириш омиллари, инновацияларнинг жамият ижтимоий ривожланишининг янги даври ёки янги сифат босқичига ўтишдаги ўрни О.Аксенова, И.Халий, С.Имгрунт, Э.Эмирбекова, М.Гнатюк, Е.Шулятьев, С.Кравченко, В.Маркин, Н.Скворцов, В.Пуляев ва Г.Силласте асарларида қараб чиқилган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш муаммоларини муайян даражада ўз ичига олган бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. С.Шермухаммедов, А.Саидов, Б.Тўраев, Ж.Яхшиликков, Н.Жўраев, Қ.Назаров, С.Отамуродов, С.Каримов, А.Холбеков, Р.Жумаев, Б.Каримов, Т.Жўраев, И.Эргашев, С.Жўраев, М.Қирғизбоев, А.Эркаев, М.Бекмуродов, В.Қўчқоров, М.Жакбаров, А.Муминов сингари олимларимиз жамиятда ижтимоий соҳани ривожлантириш юзасидан турли изланишлар олиб

¹ Nelson R., ed., National Innovation Systems: A Comparative Analysis, N.Y.: Oxford University Press, 1993.

² Johnson A. Functions in Innovation System Approaches, Gothenburg, Sweden: Chalmers University of Technology, 2002.

³ Лапин Н.И. Теория и практика инноватики. -Москва: Логос, 2008;

⁴ Карпова Ю.А. Социология инноватики. Учебно-методическое пособие. — Тольятти: Изд-во ТГУ, 2015.

боришган. Р.Убайдуллаева¹, Х.Абдусатторова² каби олимларимизнинг ижтимоий ривожланишнинг янги даврида инновацион омилнинг аҳамияти борасида тадқиқотлари мавжуд.

Инновацияларни бир бутун ижтимоий соҳага оид хусусиятларини ўрганиш бугунги кунда иқтисодий ва табиий фанлар билан биргаликда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам вазифасига айланмоқда. Айниқса, социология, политология, маданиятшунослик каби фанлар билан бир қаторда фалсафа фанлари тизимида ҳам ўрганилмоқдаки, бу жараён инновацион жараёнларни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этиш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ижтимоий шерикликни кучайтиришнинг инновацион йўллари жорий этиш” номли 57-11/78 рақамли грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фуқаролик жамияти қурилишида ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришнинг аҳамияти, тамойиллари ва қонуниятларини очиқ бериш, уни ижтимоий фалсафа фани нуқтаи назаридан илмий таҳлил этиш, ижтимоий соҳа жамиятнинг асосий соҳаларидан бири сифатида инновацион ривожлантириш омилларини тадқиқ этиш, инновацион ривожлантиришнинг методологик асосларини кўрсатиб беришдир.

Тадқиқот вазифалари:

фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш қонуниятлари, ижтимоий соҳани инновацион асосда такомиллаштиришнинг назарий-методологик масалаларини тадқиқ этиш;

ижтимоий соҳа ва уни ривожлантиришнинг фалсафий концепциялари, унинг трансформациялашиб бориш жараёнлари, инновационлашиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришдаги барқарорлик ва беқарорлик вазиятларининг вужудга келиши ва унинг оқибатлари, барқарор ривожланишига таъсир қилувчи инновацион технологияларни тадқиқ этиш;

ижтимоий зиддиятлар ва уларнинг ижтимоий соҳа беқарорлашувига таъсири, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш орқали ижтимоий соҳанинг инновацион ривожланишини таъминлаш жараёнларини ўрганиш;

ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришнинг қонуниятлари ва устувор йўналишлари, барқарорлик ва беқарорлик ўртасидаги кураш, унда барқарорликнинг новация ва инновацион тарзда таъминланиши қонунини ёритиш;

ижтимоий соҳани ривожлантиришда халқ ва давлат манфаатларининг уйғунлиги, унда инсон манфаатларининг устуворлигини таъминлаш, ёрдамга муҳтож фуқароларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришнинг инновацион чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

¹ Убайдуллаева Р. Новый этап в социально-экономическом и инновационном развитии Республики Узбекистан. //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. №1, 2018.

² Абдусатторова Х. Инновация стратегияси. –Тошкент: Tafakkur bo`stoni, 2012.

фан ва таълим-тарбия соҳасини тизимли тарзда инновацион ривожлантиришнинг усул ва воситаларини кўрсатиш;

ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг истиқболли дастур ва “йўл хариталари”ни тузиш ва амалда қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш қонуниятлари танланган.

Тадқиқот предмети ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришнинг тенденциялари, хусусиятлари ва қонуниятлари таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тизимлилик, тарихийлик, мантикийлик, синергетик, анализ ва синтез, эмпирик-социологик, қиёсий таҳлил, умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий соҳа инновациялашуви, унинг субстанционал негизлари (социал ҳаёт сфераси, инсон микро ва макробирликлари), инновацион ғоялар амалиётидаги мавжуд муаммоларнинг хусусиятлари (инновацион пассивлик, ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги беқарорлик) “новация” ва “инновация” тушунчалари доирасида асослаб берилган;

жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган ижтимоий муаммоларни бартараф этиш жараёнида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни таъминлаш бўйича соҳага оид инновацияларнинг комплекс, ҳудудий, маҳаллий, стратегик, тактик, моддий, маданий, ижтимоий ва ташкилий турлари категориал тарзда классификация қилинган;

жамиятда инновацияларни жорий этишни мувофиқлаштириш, инновациялар натижаларини давлат инновацион сиёсати амалиётига мослаштириш, “инсон - илмий жараён - инновация” тизими, ижтимоий соҳадаги инновацион амалиётни ташкил этувчи механизм шакллари (“инновацион эҳтиёж”, “инновацион фаолият”, “инновацион ресурс”)нинг детерминистик жиҳатлари тизимлилик ва изчиллилик ёндашуви асосида такомиллаштирилган;

“инновацион тафаккур”, “инновацион ижодкорлик”, “инновацион фаоллик” ва “инновацион ташаббускорлик” мезонлари орқали ёшлар ижтимоий ҳаётидаги муаммоларни ечишнинг инновацион усули бўлган “креативлик”, “ижодий фаоллик”, “эвристик ечим” сингари хусусиятлари очилган;

ижтимоий соҳага инновацион технологияларни жорий этишнинг стратегик, тактик, тасодифий ва даврий йўналишлари “ижтимоий соҳани инновацион ривожланишининг субстанционал бир бутунлиги қонуни” воситасида такомиллаштирилган;

ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришнинг ворисийлик, ўзгарувчанлик, сараланиш, нотекислик, такрорланиш, мослашувчанлик ва ўзаро алоқадорлик қонуниятлари синергетик парадигманинг мураккаблик ва соддаликнинг бирлиги тамойили асосида далилланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион асосда ривожлантириш, модернизациялаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

худудий ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳоли ҳаётий фаровонлигини таъминлашда инновацион ёндашувлар ишлаб чиқилган;

жамият ижтимоий соҳасини инновацион ривожлантириш ва модернизациялаш жараёнида янги замонавий инфратузилмаларнинг аҳамияти кўрсатилган;

“Ҳаракатлар стратегияси”да ижтимоий соҳани ривожлантиришда кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда инновацион ёндашувларни қўллаш юзасидан таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Маҳаллий, республика ва халқаро даражадаги илмий конференциялар тўпламлари ва ОАК рўйхатига киритилган хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялар ва улар тўғрисидаги тақриз, хулосалар, ишлаб чиқилган тегишли таклиф ва тавсияларнинг жорий этилгани, олинган натижаларнинг тааллуқли идора ва ташкилотлар томонидан тасдиқлаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш хусусиятлари ижтимоий фалсафий жиҳатдан илмий таҳлил этилганлиги ҳамда илгари сурилган концептуал ғоялардан фалсафа, социология, сиёсатшунослик, фуқаролик жамияти асослари, миллий ғоя фанлари бўйича методологик ёндашувларни такомиллаштириш ва ушбу йўналишда илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган ёндашувлар давлат ҳокимияти идоралари, ижтимоий соҳа инфратузилмалари, сиёсий партиялар, нодавлат нотажорат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилишида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳанинг инновацион ривожланиш қонуниятларини тадқиқ этиш асосида:

“новация” ва “инновация” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини очиб бериш, инновациянинг турлари ва таснифини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан илмий асослаш, инновацион ғояларни амалиётга жориш этишда мавжуд муаммоларнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини аниқлаштириш, таълим-тарбия тизимини инновацион ривожлантириш борасида илмий ёндашувларни такомиллаштиришга оид илмий-тадқиқот иши натижаларидан «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 июндаги 89-03-2345-сон маълумотномаси). Натижада инновациянинг турлари ва таснифини ижтимоий-фалсафий

жихатдан илмий асослаш ва таълим-тарбия тизимини инновацион ривожлантириш борасида илмий ёндошувларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган ижтимоий муаммоларни бартараф этиш жараёнида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни таъминлаш бўйича инновацион таклифлар ишлаб чиқишга оид илмий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг “Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ижтимоий шерикликни кучайтиришнинг инновацион йўллари жорий этиш” номли 57-11/78 рақамли грант лойиҳаси ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг 2019 йил 31 майдаги 18/1-543-сон маълумотномаси). Натижада жойларда ижтимоий муаммоларни инновацион асосда ҳал этишда ижтимоий шерикликни жорий этишда самарадорликка эришилган;

инновацияларнинг жамиятдаги ўрни, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётдаги ролини кучайтириш, жамиятда инновацияларни жорий этишни мувофиқлаштириш, олий таълимда, илмий тадқиқот муассасаларида яратилган илмий янгиликлар, илмий ишланмалар, ихтиролар, патентлар учун тоифалашган рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, илмий инновацион ривожлантиришни самарали ташкил этиш учун “инсон - илмий жараён - инновация” тизимини ҳаётга татбиқ этишга оид конструктив таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг 2018 йил 8 февралдаги IX пленимунинг 4-сонли қарори асосида тасдиқланган “Амалий ҳаракатлар дастури”ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг 2019 йил 4 июндаги 01-04/184-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши партиянинг сайловолди ва амалий ҳаракатлар дастурларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш услубларини яхшилашга хизмат қилган;

жамият ҳаётининг асосий қатлами бўлган ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, уюлмаган ёшлар бандлигини таъминлаш, ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган ёшларни рағбатлантиришнинг инновацион механизмларини ишлаб чиқишга оид илмий-амалий таклиф ва хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 февралдаги “Ёшларга оид Давлат сиёсатини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги йиғилишининг 01-07/1-1593-сон баёни 6-илоvasи “Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз йўлини топишга қийналаётган ёшларни замонавий касб-хунарларга ўргатиш ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тизимли ишларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастури”ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2019 йил 16 майдаги 04-13/2315-сон

маълумотномаси). Натижада дастурда белгиланган вазифаларнинг якуний хулосалари такомиллаштирилган ва чора-тадбирларнинг назарий-метологик асоси мукамаллаштирилган;

ижтимоий муаммоларни ҳал этиш доирасида таҳлилий тадқиқотлар ва социологик сўровларни амалга ошириш, уларни ижтимоий технологиялар ва услублар орқали ҳал этиш борасида жамоатчилик назоратини шакллантириш, давлат ва жамоат ташкилотларига инновацион таклифлар киритишга оид илмий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг “Жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратини кучайтириш” мавзусидаги 46-11/50 рақамли грант лойиҳаси ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг 2019 йил 31 майдаги 18/1-543-сон маълумотномаси). Натижада жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг тарғибот йўналишларини аниқлаштириб олишга хизмат қилган;

ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришнинг ворисийлик, ўзгарувчанлик, сараланиш, нотекислик, такрорланиш, мослашувчанлик ва ўзаро алоқадорлик қонуниятлари асос қилиб олинган илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан 2019 йилда ўтказилган “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танлов сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2019 йил 4 октябрдаги 15/401-сон маълумотномаси). Бу эса уюшма фаолиятини инновацион ривожлантиришда стратегик, комплекс, худудий, маҳаллий, ташкилий ва маданий жиҳатдан устувор аҳамият бериш керак бўлган вазифаларни аниқлаштириб олинишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та илмий конференцияларда муҳокама қилинган, жумладан 4 та халқаро 13 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусига тааллуқли 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола (10 та республика ва 2 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 249 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади, тадқиқотнинг вазифалари, тадқиқот объекти, тадқиқотнинг предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришни тадқиқ этишнинг назарий-методологик масалалари”**, деб номланган биринчи бобда “ижтимоий соҳа” тушунчаси илмий-фалсафий категория сифатида ўрганилиб, ижтимоий соҳа ва уни ривожлантиришнинг фалсафий концепциялари, ижтимоий соҳани модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш хусусиятлари, ижтимоий соҳанинг инновационлашиш тенденциялари ва уларнинг субстанционал негизлари таҳлил этилган.

Шунингдек, фуқаролик жамияти қурилишида ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари “ижтимоий соҳа”, “инновация” категориялари узвийлиги таҳлили орқали кўрсатиб берилиб, ижтимоий соҳада инновацияларнинг самарадорлигини ошириш йўллари илмий асосланган. Ижтимоий соҳани жадал модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш, унинг барча тармоқларида инновацион ресурсларни ишга солиш борасида янги инновацион таклифлар ва чора-тадбирларни тизимли механизм сифатида ишлаб чиқиш тадқиқ этилган.

Жамият тараққиётида ҳар бир соҳанинг ўз ривожланиш қонунлари ва қонуниятлари мавжуд бўлади. Фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш ҳам ўзига хос тенденциялар ва қонуниятлар асосида амалга ошади. Жамият ривожланиши қонунлари унда мавжуд бўлган тизимлар хусусиятларининг ўзига хос концентрациясига оид жиҳатларини намоён этади. Қ.Назаровнинг фикрича, “қонун оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий ва такрорланиб турувчи боғланишлари, ўзаро алоқалари ва муносабатларининг намоён бўлишидир”¹.

Демак, қонун муайян шарт-шароитда амал қиладиган воқеа ва ҳодисалар ҳаётийлиги, турғунлиги, ривожланиши ёки ҳалокатининг умумий тенденциясини белгилаб берадиган, қатъий натижани келтириб чиқарувчи муҳим, зарурий, нисбатан барқарор, такрорланиб турувчи боғланиш, ўзаро алоқа ва муносабатларнинг намоён бўлишидир. Жамиятга хос қонунлар унинг ядроси маданий борлиқнинг ички структурасидан келиб чиқади.

¹ Назаров Қ. Фалсафа асослари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2005. –Б. 384.

Қонуниятлар эса, бизнинг фикримизча, жамиятда маълум ҳодиса ва жараёнларнинг амал қилиш қонунлари, принциплари, тенденциялари ва хусусиятларининг йиғиндиси ҳисобланиб, ўз моҳиятига кўра мунтазамлик, асосланганлик, тушунарлилик, изчиллик, тасодифийлик каби хусусиятларни ўзида мужассам этиб, муайян нарса ва ҳодисаларнинг барқарор ва такрорланиб турувчи ўзаро алоқалари йиғиндисидир. Қонуниятлар жамият тараққиётида ўзига хос ҳаракатлантирувчи омил, мавжуд ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнлар узвийлигини таъминловчи мезон ҳам ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, ижтимоий соҳа ҳам ўзига хос қонуниятлар асосида ривожланади. “Ижтимоий” сўзи ижтимоий фанларнинг алоҳида категорияси сифатида муҳим ва аҳамиятли эканлигини таъкидлаш жоиз. Ижтимоий ҳаётга оид бўлган ушбу тушунча, жамият ва инсон манфаатлари, уларнинг уйғунлигини ифодалайди. У инсон ва ижтимоий тузилмаларнинг барча фаолият шакллари билан боғлиқ бўлган, табиат қонуниятларига эмас, балки жамият мавжудлиги қонуниятларига асосланиб ривожланаётган жараён ва ҳодисаларни англатади. И.Ф.Албегова ва Ф.Г.Албеговларнинг фикрича, ижтимоий соҳа “турли ижтимоий тизимларнинг ҳар хил элементларини ўз ижтимоий мавқеини оширишга қаратилган алоқадорлиги таъминладиган, жамиятда тенглик ва тенгсизлик вазиятлари намоён бўладиган мураккаб ижтимоий муносабатларни ўзида мужассам этган макон”¹ дир.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий соҳага ижтимоий-фалсафий категория сифатида қуйидагича таъриф бериш мумкин: жамиятнинг тўлиқ инсон манфаатлари устуворлигига таянадиган, уни моддий қўллаб-қувватлаш, ҳаётий фаравонлигини оширишга хизмат қиладиган тамойилларини ўзида мужассам этувчи, шахс ва фуқаролик жамиятига оид ижтимоий, маданий ва маърифий кадриятларни ўзида акс эттирувчи, ўзининг соҳавий йўналишлари ва инфратузилмасига эга ижтимоий макон ҳисобланади. Мазкур муносабатларни тартибга солувчи мезонлар инсон ва жамият фаолиятининг натижаси ҳисобладиган ижтимоий-маданий кадриятлар, шунингдек хулқ-атвор қоидалари ҳисобланади. Макон ва замон нуқтаи назаридан олиб қараганда ижтимоий соҳа “инсон - ижтимоий гуруҳлар – жамият” тизимида ижтимоий муносабатларни камраб олиб, жамият барқарорлигини таъминлаш асоси ҳисобланади.

Шу асосда таъкидлаш лозимки, ижтимоий соҳанинг маданий борлик таркибий қисмларига хос бўлган система ташкил этувчи субтанционал элементлари мавжуд. Улар ижтимоий соҳанинг барча таркибий қисмларида ўзига хос кўринишларда намоён бўлади. Ижтимоий соҳа (социал ҳаёт сфераси) субъектнинг белгиловчилик роли, жумладан, инновацияларнинг

¹ Албегова И.Ф., Албегов Ф.Г. Социология социальной сферы как инновационное направление современного социологического знания: состояние и проблемы развития. //Социальные и гуманитарные знания. 2016. Том 2, № 2. -С. 118.

яратувчиси ва ташувчиси социал асос қонуни сифатида муҳим функцияни бажаради. Демак, инсон микро ва макробирликлари билан ижтимоий соҳани инновациялашнинг ҳам субъектлари ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, инновацион жараёнлардан унинг қуйидаги ўзига хос учта субстанционал қонунлари келиб чиқади:

1) ижтимоий соҳани инновацион ривожланишининг субстанционал бир бутунлиги қонуни;

2) ижтимоий соҳани инновацион ривожланишининг илгарилама доиравий айланиш қонуни;

3) ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришга бўлган эҳтиёжларнинг доимий ошиб бориш қонуни.

Ижтимоий соҳани инновацион ривожланишининг субстанционал бир бутунлиги инновацион жараёнларда миқдор ва сифат ўзгаришларининг бири-бирига ўтиши механизмларини очиқ беради. Инновацияларга бўлган эҳтиёж ва инновацион ижодкорлик натижаларининг ҳаётга татбиқ этилиши ўртасидаги муносабатлар ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришнинг ҳаётий мезонларидан бири бўлиб хизмат қилади. Барча соҳалардаги каби ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришга бўлган эҳтиёжлар ҳеч қачон тўхтамайди. Ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришга бўлган эҳтиёжларнинг доимий ошиб бориш қонуни соҳага оид инновацион ривожланишнинг диалектик инкор асосидаги йўналишини аниқлаб беради.

Шуни таъкидлаш зарурки, ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришга бўлган эҳтиёжларнинг доимий ошиб бориши жамиятда ўзгаришлар, янгиланиш ва модернизация жараёнларини вужудга келишига туртки беради. Ижтимоий соҳани модернизациялаш бу шундай жараёнки, унда анъанавий ижтимоий турмуш тарзидан замонавий босқичга ўтилади, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда туб ўзгаришларга эришилади, инновацион ривожланишга кенг йўл очилади. Р.Мухаевнинг таъкидлашича, модернизацияда жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй беради, яъни оддий социал структурадан мураккаб тизимга ўтилади, бозор муносабатларига ўтиш рўй беради, инсон табиатнинг бир бўлаги эканлиги ҳолатидан ижодкор - кашфиётчи ҳолатига ўтади¹.

Мазкур омилар билан бирга, инновацион жараёнларни фалсафий асосда тушунтириш, унга илмий-фалсафий нуқтаи назардан ёндашиш ижтимоий фалсафада муҳим илмий эҳтиёж ҳисобланади. Ижтимоий фалсафада жамият ва инсон муносабатлари таҳлили муҳим масалалардан бири бўлиб, мазкур жараённинг барқарор асосда таъминланишида ижтимоий ҳаётда бўлаётган прогрессив янгиланишлар ва ўзгаришлар муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий тараққиётда муҳим ўрин тутадиган шундай мезонлардан бири, бу инновациялар бўлиб, у инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади, пировардида инсон фаровонлиги таъминланади.

¹ Мухаев Р.Т. Политология. -Москва: Проспект, 2011, -С. 492.

И.Ардакшиннинг фикрича, инновация ва инновацион ривожланиш мавзусини фалсафий мушоҳада қилиш, уни илмий жиҳатдан умумлаштириш унинг инсон ва жамият ҳаётидаги кўриниши ва ролини ифодалашга хизмат қилади¹.

Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, инновация жамиятда ижтимоий муносабатлар динамик ривожининг муҳим омили ҳисобланади. Мазкур жараёнда умуммиллий манфаатлар доирасида ижтимоий соҳани модернизациялашнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим жиҳат бўлиб, унда ҳар бир ҳудудда ижтимоий соҳа тизимлари ва инфраструктурасининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг реал ижтимоий ҳаёт билан мос келиш имкониятларини мониторинг қилиш, ижтимоий ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва инновацион механизмларини такомиллаштириш назарда тутилади. Мазкур чора-тадбирлар жамиятда инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий соҳани модернизациялаш ва инновацион ривожлантиришда стратегик вазифаларини тизимли ҳал қилишнинг куйидаги ижтимоий-фалсафий омиллари мавжуд:

биринчидан, ижтимоий соҳа ривожланиши ва модернизациясининг етакчи омили сифатида инновацияларнинг жорий этилишини таъминлайдиган самарали инновацион тизимни шакллантириш ижтимоий тараққиётга хизмат қилади;

иккинчидан, ижтимоий ҳаётда бўлаётган прогрессив янгиланишлар ва ўзгаришлар сифатида инновациялар жамият ва инсон муносабатлари барқарорлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий тараққиётда муҳим роль ўйнайди;

учинчидан, ижтимоий соҳанинг анъанавий тармоқларини модернизациялаш, илмий янгиликларни жорий этиш самарадорлигини ошириш ҳамда янги билимлар орқали ижтимоий тараққиётни таъминлашда инновацион фаоллик муҳим вазифа ҳисобланади;

тўртинчидан, ижтимоий ривожланишини бошқаришда стратегик дастурлар қабул қилиш, уни амалга оширишда маъмурий тўсиқларнинг олдини олиш, ижтимоий хизматлар сифатининг ошишига ҳамда инновацион ривожланишига ёрдам берадиган институт ва тузилмаларни шакллантириш муҳим вазифадир.

Диссертациянинг **“Ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришдаги барқарорлик ва беқарорлик вазиятларнинг вужудга келиши ва унинг оқибатлари”** деб номланган иккинчи бобида ижтимоий соҳада барқарорлик ва беқарорлик вазиятлари, барқарорликнинг новация ва инновацион тарзда таъминланиши қонуни, ижтимоий зиддиятлар

¹ Ардакшин И. Инновации и инновационное развитие: социально-философский подход. //Вестник Томского государственного университета. 2017. №422. -С. 45.

ва уларнинг ижтимоий соҳанинг беқарорлашувига таъсири, ижтимоий муаммолар ва уларнинг ижтимоий соҳа барқарорлигига салбий таъсири, инсон ҳаётининг манфаатлари ва эҳтиёжлари устуворлиги, жамиятда инновацион ўзгаришларга барқарорлик ва беқарорлик вазиятларининг таъсири таҳлил этилган.

Ижтимоий барқарорлик - ижтимоий тузумнинг самарали фаолият кўрсатишига ва ривожланишига кенг имкон яратиб берувчи мустаҳкам ҳолати бўлиб, аҳолининг тинч, самарадор меҳнати ва фаровонлигининг таъминланиши, соғлом турмуш тарзининг шаклланиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳалари тараққиёти учун мустаҳкам шароитнинг мавжудлиги, ижтимоий мувозанатнинг сақланишидир. Ижтимоий барқарорлик жамият тараққиётининг биринчи шarti бўлиб, ижобий ва инновацион ўзгарувчанликка замин ҳозирлайди ва жамиятнинг жадал ривожланишини таъминлайди. Шу мазмунда С.Шермухаммедовнинг таъкидлашича, ижтимоий-сиёсий барқарорлик тамойиллари ижтимоий адолат, иқтисодий ва сиёсий ривожланишни таъминлашдир¹.

Беқарорлик эса, жамият ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи вазият ҳисобланади. Беқарорлик кишилар психологиясидаги салбий ўзгаришлар, қонунларнинг ижросини таъминламаслик, ижтимоий бурчнинг адо этилмаслиги, ижтимоий идеалларнинг йўқолиши, ғоя ва мафкурага лоқайдликнинг кучайиши, турли жиноий гуруҳларнинг пайдо бўлиши, ижтимоий адолат мезонларининг бузилиши, давлат идораларининг аҳоли муаммоларини ечишдаги бефарқ муносабатлар каби салбий вазиятлар орқали вужудга келади.

Мазкур салбий вазиятлар жамиятда ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашишига хизмат қилади. Жамиятда ижтимоий зиддиятлар жараёни ўз навбатида ижтимоий соҳанинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ижтимоий зиддиятлар табиат қарама-қаршиликларидан фарқли ўлароқ ўзининг вужудга келиши ва ривожланишига кўра жуда мураккаб жараёни ўз ичига олади. Мазкур мураккабликлар, кўпинча, инсон руҳиятининг мукамаллиги, психологик кайфиятларнинг ўзгарувчанлиги, турли хилдаги моддий ва шахсий манфаатларнинг устуворлиги, мақсадга эришишда турли йўللardan фойдаланиши, зиддиятга киришишда ақл ва билимни ишга солиши билан боғлиқ бўлади.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, жамият ҳаётида учрайдиган нуқсонлар, хато ва камчиликларни кўпайиб кетмасдан бартараф этиш ижтимоий ривожланишнинг муҳим омилдир. Профессор Ж.Яхшиликковнинг фикрича, “Хато ва камчиликлари ўз вақтида жойида бартараф этмасдан туриб, мамлакатимизни янги сифатий тараққиёт босқичига олиб чиқиш мумкин эмас”². Демак, ижтимоий муаммоларни ўрганиш ва таҳлил этиш бугунги

¹ Шермухаммедов С. Истиқлол куёши. -Тошкент: Ма`rifat-Madadkor, 2002. –Б. 24.

² Яхшиликков Ж. Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. –Тошкент: Фан, 2017. –Б. 131.

кунда жамият барқарорлиги ва истиқболини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда жамият соҳаларидаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий муаммоларни ўрганиш, ўз вақтида таҳлил этиш ва уларнинг ечими борасида инновацион хулосалар бериш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ижтимоий муаммолар таҳлили борасида изланишларни такомиллаштириш, мазкур ишларнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган барча инновацион омиллардан тўла фойдаланиш вазифаси мавжуддир.

Республика “Ижтимоий фикр” жамоатчилиқ фикрини ўрганиш Маркази томонидан аҳоли ўртасида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, бу жараёнда мавжуд муаммолар ечимига муносабатини ўрганиш мақсадида социологик тадқиқот ўтказилган. Тадқиқотда “Айтингчи, яқин кунларда мамлакатимизда аҳолининг қайси долзарб масалалари ва муаммоларини ечишга эътибор қаратилиши лозим?”, деган саволга қуйидаги кўринишда жавоб олинган¹:

Янги иш жойларини яратиш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, қишлоқ жойларида иш жойларини яратиш 31,1%, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш 29 %, аҳолини газ ва ичимлик суви билан ўз вақтида узлуксиз таъминлаш 27,1%, хусусий бизнестни ташкил этиш ва ривожлантириш учун аҳоли фаоллигини ошириш 19,8%, соғлиқни сақлаш муассасалари иш сифатини ошириш 15,5%, мактабгача, ўрта ва олий таълим муассасалари иш сифати ва даражасини ошириш 15,1%, ёшлар муаммоларини, шунингдек, ёшлар ўртасида жиноятчилик даражасини камайтириш 14,5%, коррупцияга қарши курашни кучайтириш 14,5%, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси 7,2%, терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш 7,1%.

Мазкур социологик тадқиқот натижаларига кўра, респондентлар асосан ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида кўпроқ таклиф билдирганлар. Мазкур кўрсаткичлардан аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш борасида жойларда чора-тадбирларни янада кучайтириш, бу борада замонавий инновацион ёндошувларни олиб бориш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланган.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий барқарорликни таъминлашда жамиятда қуйидаги ижобий анъаналарни такомиллаштириш муҳим ўрин тутади:

биринчидан, ижтимоий барқарорлик жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлиб, ижобий ва инновацион ўзгарувчанликка замин ҳозирлайди ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларда инсон фаоллигини таъминлайди;

иккинчидан, турли ижтимоий гуруҳларнинг бир-бири билан адоватсиз, низолар ва зиддиятларсиз, демократиянинг юқори ижтимоий-сиёсий,

¹ Убайдуллаева Р. Новый этап в социально-экономическом и инновационном развитии Республики Узбекистан. //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. №1, 2018. –Б. 27

маданий тамойиллари асосидаги келишув орқали ижтимоий жараёнларда иштирок этиши муҳим ижтимоий вазифадир;

учинчидан, кишиларда фуқаролик масъулияти, ҳуқуқий маданият, ижтимоий ва иқтисодий инновацион ташаббускорликнинг юксак бўлиши жамият барқарорлигининг зарурий омилларидан ҳисобланади;

тўртинчидан, кишиларнинг жамиятда ўзининг тўлақонли ўрнини топиши учун уларга моддий, ижтимоий ва маданий шарт-шароитларни яратишнинг инновацион чора-тадбирларини олиб бориш муҳимдир.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришнинг қонуниятлари ва устувор йўналишлари»** деб номланиб, унда ижтимоий соҳани ривожлантиришда халқ ва давлат манфаатларининг уйғунлиги, унда инсон манфаатларининг устуворлиги қонуни, ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, қонуниятлари, синергетик хусусиятлари, ижтимоий соҳада инновацион ривожланиш ижтимоий тараққиётни таъминловчи муҳим омил эканлиги, ижтимоий соҳани барқарор ривожлантириш учун инновацион технологияларни жорий этишнинг ўрни таҳлил этилган.

Инновацион жараёнлар синергетик хусусиятларни ўз ичига олади. Инновацион фаолиятда синергетик хусусиятлар ўз-ўзини ривожлантирувчи жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, уларни моделлаштириш ва лойиҳалаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам синергетикани ижтимоий соҳада, уни инновацион ривожлантиришда қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Инновацион жараёнда синергетика унга янги парадигмал асосда ёндошув бўлиб, унинг ижтимоий ҳаётга татбиқи билан боғлиқ муаммоларини ҳал этишда ёрдам беради.

Шу нуқтаи назардан синергетика янги илмий кашфиётлар ва замонавий парадигмаларни яратиш, илмий ғояларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим мезон ҳисобланади. Жамиятдаги мураккаб ижтимоий муаммоларни тадқиқ ва таҳлил этиш, замонавий илмий концепцияларни яратишда синергетиканинг ўз-ўзини ташкиллаштириш тамойили муҳим хусусият бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, синергетика кишилиқ жамияти назариялари ва ижтимоий тараққиёт қонунлари амалиётида инсонга яратувчанлик фаоллигини бахш этадиган ижтимоий-фалсафий хусусиятларни ҳам ўзида мужассам этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, инновацияларни синергетик моҳияти жамиятда инсоннинг янгиликлар жорий этиш ва уни амалиётда қўллаш бўйича кўникма ва салоҳиятини оширишни тақозо этади. Ушбу ижтимоий хусусиятга эга бўлган масалани аниқ макон ва замон нуқтаи назари билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш синергетик парадигма инновацион ривожланишда турли-туманлик, ўзига хослик, кўп қирралик тамойиллари билан фалсафий моҳият касб этишини ифодалайди. Б.Тўраевнинг фикрича, бугунги жамиятни ривожлантириш учун воқеликка янги ракурсдан туриб қараш, янги, яъни инновацион ёндашув лозим бўлади. Бугунги куннинг янги тафаккури

воқеликка ҳар тарафлама, комплекс ёндаша олиш, креатив, яъни ижодий фикрлаш - бу воқеликка ночизикли ёндашувдир¹.

Демак, инновациялар янгича ёндошувлар орқали ижтимоий соҳа тизимларини ҳаракатга келтиради, шунингдек, мазкур тизимларини яхлитлигини, улар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, ўзаро шерикчиликдаги алоқаларни таъминлайди. Инновацион жараёнлар ўзида бир-бири билан боғлиқ элементларни мужассам этадиган мураккаб динамик характерга эга тизим сифатида қараб чиқилади. Мазкур ёндошув тизимли механизм сифатида инновацион фаолиятни услубларини аниқлаш ва моделлаштиришда хизмат қилади.

Инновацияларнинг мураккаб динамик характери, тизимли хусусияти, жамиятда мавжуд бўлиш кўлами, тенденциялари ва мезонларидан келиб чиқиб, ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш жараёнида қуйидаги қонуниятлар амал қилади: 1) ворисийлик; 2) ўзгарувчанлик; 3) сараланиш; 4) нотекислик; 5) такрорланиш; 6) ўзаро мослашувчанлик; 7) ўзаро алоқадорлик. Мазкур қонуниятлар ижтимоий соҳанинг ҳар бир тизимида макон ва замонда ўзига хос кўринишда намоён бўлади ва унинг динамик ривожланишини таъминлайди.

Кўриниб турибдики, инновациялар ривожланиш жараёни турли туман хусусиятлар ва тенденцияларга оид бўлган ўзаро алоқадор қонуниятларга бўйсунди. Бу фаолият “Инновацион жараёнларнинг тизимли характерга эга эканлиги унинг мақсадга йўналтирилганлиги билан ҳам боғлиқ бўлади, шунинг учун инновацион жараёнларнинг барча таркибий қисмлари манфаатлар мувозанати ва тараққиётнинг умумий ривожланиш динамикасини аниқлайди”². Шунингдек, бу жараён натижасида жамиятда истиқболга мўлжалланган янгича анъаналар вужудга келади, унинг барқарор ривожланиши таъминланади ҳамда ижтимоий соҳанинг барча тизимларини инновацион ривожланиши хусусиятлари белгилаб олинади.

Шундан келиб чиқиб, ижтимоий соҳанинг инновационлашувида унинг асосий тармоқлари таълим, соғлиқни сақлаш, пенсия таъминоти, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ишлар, ижтимоий суғурта, уй-жой коммунал хўжалиги, жисмоний тарбия ва спорт, туризм, маданий-маърифий соҳалар иштирок этиб, бир-бири билан ўзаро алоқадор асосда ҳамда узвий муносабатда ривожланади. Ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришда ҳар бир тизим ўзига хос хусусиятларга ва тегишли мақсадларига эга бўлади. Мазкур соҳаларнинг инновацион ривожланиш марказида инсон туради. Инсон эҳтиёжи, манфаатлари, талаблари ва таклифлари асосида жамиятда ҳар томонлама ривожланишга бўлган шарт-шароитлар вужудга келади,

¹ Тўраев Б. Жамиятни маънавий соғломлаштиришда ночизикли тафаккурнинг ўрни. //Тафаккур зиёси, 2018. №1. –Б. 12.

² Васильева Е. Закономерности процесса инноваций последней четверти XX века. – Москва: Экономика, 2007. -С.5.

инновацион ғоялар, тараққиёт тамойиллари ва истиқболга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилади.

Шу билан биргаликда, ижтимоий соҳани инновацион ривожланишининг муҳим омилларидан бири аҳолининг меҳнат ва инновацион фаоллигини кўтариш, айниқса ёшларнинг бандлигини қўллаб-қувватлашдир. Жойларда ёшларни иш билан таъминлаш борасида ижтимоий сўров ўтказилди. Унда берилган “Сиз яшаётган қишлоқда ёки маҳаллада ёшларни иш билан таъминлаш борасида чора-тадбирлар қандай амалга оширилмоқда?”, деган саволга қатнашчиларнинг 29 фоизи чора-тадбирлар ижросининг қониқарсизлиги, 49 фоизи тегишли идораларнинг масъулиятсизлигини билдирганлар. Кўриниб турибдики, жами 78 фоиз респондент бу борадаги жараёндан қониқмаслигини билдирган. 22 фоиз иштирокчилар чора-тадбирлар яхши натижа бераётганлигини таъкидлаганлар¹. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жойларда ёшлар ижтимоий аҳолини янада яхшилашнинг инновацион услубларини жорий этиш лозим.

